

---

Яйпаннинг “Турон” жамоаси сафида Тожикистон чемпионатининг энг яхши ҳимоячиси тўп суради

Тожикистонлик энг яхши ҳимоячилардан бири Фирдавс Чакалов “Турон” жамоаси билан шартнома имзолади.

Бу ҳақда клуб матбуот хизмати хабар бермоқда.

“Турон” клуби ёзги трансферлар вақтида таркибни бир қатор маҳоратли футболчилар билан кучайтиришни мақсад қилган.

Хусусан бугун қанот ҳимоячиси, “2020 йилги мавсумда Тожикистон чемпионатининг энг яхши ҳимоячиси” деб топилган футболчи Фирдавс Чакалов жамоа сафига қўшилди.



---

"Виктория СК", Тожикистон чемпионатининг "Хўжанд" клублари сафида ҳаракат қилган қилган. Шунингдек, иқтидорли ҳимоячи ОФК кубоги мусобақаси иштирокчиси ҳам ҳисобланади.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2021-07-12 20:07:10